

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Самарқанд вилояти ҳокимлиги
Инжиниринг компанияси
директори



А.Илмуратов

« _____ » _____ 2022 йил.

**Самарқанд вилояти Пайарик тумани “Хўжаисмоил” МФЙ Хартанг
қишлоғида ичимлик сув тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш
бўйича лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун**

Лойиҳалаш топшириғи.

№	Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	2	3
1.	Буюртмачи	Самарқанд вилояти ҳокимлиги Инжиниринг компанияси
2.	Ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 18-мартдаги ПҚ-172-сонли қарори
3.	Қурилиш тури	Янги қурилиш, реконструкция
4.	Молиялаштириш манбаси	Республика бюджети маблағлари
5.	Буюртмачи реквизити	Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони 2 уй х/р: 23 424 000 303 908 786 003 Банк номи: Ўз.СҚБ Самарқанд филиали МФО: 00317 СТИР: 201212655 ХХТИТ: 69000
6.	Лойиҳа босқичи	Ишчи лойиҳа
7.	Лойиҳачи ташкилот	Танлов савдоси натижаси асосида аниқланади;
8.	Қурувчи ташкилот	Танлов (тендер) савдоси натижаси асосида аниқланади;
9.	Лойиҳа қуввати	Лойиҳани ишлаб чиқишда аниқланади
10.	Лойиҳаланадиган иншоотнинг асосий кўрсаткичлари ва рўйхати	<p>I. Ичимлик сув тармоқлар қурилиши:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ичимлик сув тармоғи, узунлиги 17,6 км (<i>узунлиги ва диаметри лойиҳани ишлаб чиқишда аниқланади</i>); <p>II. Ичимлик сув манбаси:</p> <ul style="list-style-type: none"> - гидрогеологик ҳулосага асосан бир дона сув қудуғи қазиш, уни жихозлаш ва энгил конструкцияли павилион қуриш; <p>III. Ташқи ва ички коммуникациялар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - трансформатор подстанциясини ўрнатиш; (<i>қуввати лойиҳани ишлаб чиқишда аниқланади</i>); - мавжуд катта кучланишли хаво линиясидан тармоқ тортиш; (<i>узунлиги ва кучланиши лойиҳани ишлаб чиқишда аниқланади</i>); <p>VI. Жихоз ва ускуналар ўрнатиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - сувни зарарсизлантириш ускунаси (амалгама лампали бактерицид) қурилмани энгил конструкцияли павильонда ўрнатиш; <p>V. Иншоот ҳудудини ободлаштириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - дарвоза ўрнатиб евро девори (3-Д) билан ўраш; - сув минораси ўрнатиш (<i>баландлиги ва ҳажми лойиҳани ишлаб чиқишда аниқланади</i>); - видео кузатув камера ўрнатиш; - Лойиҳани ишлаб чиқишда ҳисоблагичларнинг ўрнатилиши билан бир қаторда ичимлик сув уй хўжалигигача ўтказилиши кўзда тутилсин.
11.	Технологик жараёнлар ва ускуналарга қўйиладиган асосий талаблар	<p>Ишчи лойиҳани ишлаб чиқишда қуйидагилар ҳисобга олинсин:</p> <ul style="list-style-type: none"> - уланиш нуқтаси ва тугалланиш нуқтаси “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ Булунғур филиали томонидан берилган техник шартга асосан; <p>I. Ичимлик сув тармоқлар қурилиши:</p> <ul style="list-style-type: none"> - полиэтилен ва полипропилен қувурларни қўллаш (<i>заводда ишлаб чиқарилган</i>); - ишлаб чиқарувчи томонидан ташқи изоляцияланган металл қувурларни қўллаш; - назорат қудуқлари ишлаб чиқарувчи томонидан қувур ўтказиш тўйнуқланган (<i>отверцияланган</i>) темир бетон контрукцияларни қўллаш; - назорат қудуғи копкағи- ГОСТ-3634-99 оғир юк кўтарма маркали, “Ўзсувтаъминот” логотипи ёзуви билан лойиҳалаш; - хонадонларга сув ҳисоблагич учун намунадаги назорат қутисини қўллаш (<i>чизма ва фото расмлари илова қилинади</i>); - лойиҳани ишлаб чиқишда ичимлик сув тармоғини уй хўжалигигача ўтказилиши билан бир қаторда хонадонларга (<i>инфракрасный</i>) сув ҳисоблагичларнинг ўрнатилиши кўзда тутилсин; <p>II. Ичимлик сув манбаси:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ёрдамчи бинони энгил конструкцияли сендвичдан оқ рангли ва хошияси переметри бўйича кўк рангли павилион қуриш;

		<ul style="list-style-type: none"> - замонавий энерготежамкор насос ва ускуналарни қўллаш; - лойихаларда тармоқлар ва иншоотларни гидравлик ҳисобини бажариш; - сув манбааларидан чиқиш қисмига замонавий сув ҳисоблагичлар (<i>расходомер</i>) ўрнатиш; <p>III. Ичимлик сув иншооти қуриш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - тоза сув сақлаш ховузини қуришда йиғма темир-бетон панелларни қўллаш; - ички изоляциясида пенотрондан фойдаланиш; - тупрок ва чакиқ тошли қопламаларни қўллаш; <p>IV. Насос станция қуриш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - енгил металл конструкциялар ва сендвич панелларни (<i>базальти</i>) оқ рангли ва ҳошияси переметри бўйича кўк рангли қўллаш; - том қисмида кўк рангли профилли металл листларни конверт ўсулида қўллаш; - пойдеворда кулранг бўёкни қўллаш, сендвич девор билан пойдевор кесишган қисмига аценковой темир лист билан пойдеворни ёгингарчиликдан ҳимоялаш; - эшик ва деразаларда пластик ромларни фойдаланиш; - насос ўрнатиладиган пол қисмини кафел плиткалардан (<i>бречка усулида</i>) қилиш; <p>V. Ташқи ва ички коммуникациялар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - замонавий электрон эканом тизимли трансформатор подстанцияларини ўрнатиш; - технологик жараёнларни марказлаштирилган тартибда назорат қилиш, бошқариш ва электр энергия ва сув сарфи ҳисобини юритишда SCADA тизимига уланиши мумкин бўлган ўлчов асбоблари ва жиҳозлари қўлланилсин; <p>VI. Жиҳоз ва ускуналар ўрнатиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - сув минораси ўрнатишда кириш ва чиқиш қувурларида музлашга қарши химоя (<i>изоляция</i>) қилиш; - сув сақлаш минорасини автоматик ўчириб ёқиш ускунаси билан жиҳозлаш ва оч кўк рангда “Ўзсувтаъминот” логотипи ёзуви туширишни кўзда тутиш; - эпоксид қопламали задвижка ва қайтарувчи клапанлар ўрнатиш; - замонавий автоматлаштириш тизимлари ва (<i>инфракрасный</i>) сув сарфини ўлчаш қурилмаларини қўллаш (<i>уланиш нуқтасида ва сув тарқатиш тугунининг чиқишида</i>) <p>VII. Иншоот ҳудудини ободлаштириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ҳудуддаги асосий йўлаклар бетон қопламали, кам катновли йўлакларга қум-шағалли қопламаларни қўллаш; - кўк рангли темир дарвоза ўрнатиб, яшил рангли евро сетка девори билан ўраш ва пойдеворни кулранг билан бўяш; - лойихани “сув таъминоти” МЧЖ билан келишиш;
12.	Иншоот иш режими	Доимий
13.	Ташқи транспорт алоқалари ва таъминот тизими	Мавжуд ташқи транспорт алоқалари ва таъминот тизимларидан фойдаланилсин
14.	Атроф-муҳит муҳофазасига қўйиладиган талаблар	"Атроф-муҳит таъсирига оид баёноти" лойиҳасини бажариш (ЗВОС)
15.	Рекултивация ва ободонлаштиришга бўлган талаб	Лойиҳада аниқланади
16.	Режалаштирилган қурилиш муддати	2022 йил
17.	Мажмуаларни ишга тушириш зарурияти ва кетма-кетлиги	Талаб этилмайди
18.	Муҳандислик тадқиқотлар ишлаб чиқариш учун талаблар лойиҳа олди архитектура режалаштириш топшириғига буюртма бериш	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган қоида ва йўриқномаларга асосан

19.	Махсус қурилиш шароитлари	- Қурилаётган объектлардаги тупроқларнинг ҳисобланган сейсмиклиги ва хусусиятлари муҳандислик-геологик ҳулосага мувофиқ. - Лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда белгиланган тартибда ШНК 4.02.00-04 га мувофиқ иш ҳақи ва машиналар ишлаши меъёрларига коэффицентлар қўлланилиши.
20.	Лойиҳалаш учун махсус шартлар	- Ишчи лойиҳа амалдаги қонун ва қоидаларга мувофиқ ишлаб чиқилсин: - Қурилишнинг бошланғич нархлар қонунчилиқда белгиланган тартибда бугунги кундаги нархлар ўрганиб чиқилган ҳолда ҳисоблансин - Ишчи лойиҳа буюртмачига босма шаклда 3 нусхада ва электрон шаклда тақдим этилсин.
21.	Ҳисоб-китоблар варианти	Талаб этилмайди
22.	Фуқаро муҳофаасининг муҳандислик-техник чора-тадбирларини ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар ва фавқулдда огоҳлантиришлар	Самарқанд вилояти ФВБ талабларига биноан

Изоҳ: Танлов савдолари натижасига кўра аниқланган лойиҳа ташкилоти томонидан жойига чиққан ҳолда ўрганишлар натижасига асосан лойиҳалаш топшириғига ўзгартириш киритилиши мумкин.

Самарқанд вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси
“Бирламчи рухсат берувчи, лойиҳа ва танлов
ҳужжатларини тайёрлаш бўлими” бошлиғи



А. Қодиров